

100170, O'zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri,
Mirzo-Ulug'bek tumani, Mustaqillik shoh ko'chasi, 107.

107, Mustakillik avenue, Tashkent
city, 100170, Republic of Uzbekistan

Telefon/Telephone: +998 (71) 211-09-09 Websayt/website: www.deponet.uz / www.uzcsd.uz Email: info@uzcsd.uz / uzcsd@exat.uz
Hisob raqami/The settlement account: 20208000804014949001, «Ipak yo'li» AITB Mirobod filiali, MFO 01101, STIR 203021987, OKONX 66190

28 mart 2024 yil.

02/10-1492-son

**“G'alla-alteg” АЖ
корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш тўғрисида
ХУЛОСА**

Қайси корхона учун тайёрланди

“G'alla-alteg” АЖ

Юридик манзил

111904. Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ
тумани, Бордонқўл худуди, М.Г.Хван (собиқ
Дўстлик) МФЙ, Абадият кўчаси

Банк реквизитлари

“Агробанк” АТВ Тошкент вилояти филиали
x/p: 20210000100232461001

Банк коди: 00454

Қайси корхона томонидан тайёрланди

“Қимматли қоғозлар марказий
депозитарийси” акциядорлик жамияти

Юридик манзил

100 170, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳ
кўчаси, 107-уй

Телефон/факс

998 (71) 211-09-09

Давлат рўйхатидан ўтганлик
тўғрисидаги маълумотлар

Давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги
гувоҳнома рақами: 000979-03, 02.09.2008 й.

Банк реквизитлари

x/p 20208000804014949001, Тошкент ш.,
AITB “Ипак Йули” Миробод филиали, банк
коди 01101

Бош директор

Абдужаббаров Шерали Янгибаевич

Баҳолашда иштирок этган
мутахассисларнинг фамилияси, исми
ва отасининг исми

Абсаламов Э.Б.

“G'alla-alteg” АЖ (кейинги ўринларда – Жамият) корпоратив бошқарув тизимини
баҳолаш тўғрисидаги хulosasi “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси”
акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Марказий депозитарий) томонидан
тайёрланди.

Марказий депозитарий “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 майдаги “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида”ги 263-сонли қарори, Устав хамда бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ўз фаолиятини амалга оширади.

Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ Марказий депозитарий акциядорлик жамиятларига корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш бўйича хизматларни кўрсатиш хуқуқига эга мустақил ташкилотлар рўйхатига киритилган.

Жамиятда корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил холисона фикрни шакллантириш баҳолашни ўтказишининг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси (ҳозирда – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги) ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази (ҳозирда – Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби) томонидан 25.07.2016 йилда тасдиқланган саволнома асосида ўтказилди.

Марказий депозитарий фақат Жамият томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар асосида Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида шакллантирилган ўз нуқтаи назарини ифодалаганлик учун жавобгар ҳисобланади.

Жамият тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисботлар, маълумотлар ва бошқа материалларнинг тўлиқлиги, мазмуни ва ишончлилиги учун жавобгар ҳисобланади. Олинган ҳужжатларнинг, маълумотларнинг ва бошқа материалларнинг асл нусхалиги ва ишончлилиги текширилмади ва баҳслашилмади. Баҳолаш амалга оширилгандан кейин Марказий депозитарийга келиб тушган, ёки қандайdir сабабларга кўра тақдим этилмаган ҳужжатлар Марказий депозитарийнинг кўриб чиқиш доирасига киритilmadi.

Марказий депозитарий Жамият томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил фикр ифодалаш учун етарли деб ҳисблайди.

2023 йил якуни бўйича Корпоратив бошқарув тизими даражасини баҳолашнинг натижаси **425 баллни** ташкил этди ва Марказий депозитарийнинг холосасига мувофиқ Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими даражаси **қониқарли** деб эътироф этилади.

Бош директор ўринbosari

Ижрочи: Э.Б.Абсаламов
Тел.: (71) 211-09-09



А. Юсупходжаев